

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

**СОЛИҚЛАРНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ
МУАММОЛАРИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 –“Бизнес ва бошқарув” таълим
соҳасидаги 5А340802 – “Давлат солиқлари ва йиғимлари”
магистратура мутахассислиги учун**

Ташкент – 2003

Тузувчи: и.ф.н., Тошмуродова Б. Ташқи
Тақризчилар: и.ф.н. А. Камолов
и.ф.н., доц. Ф.Бозоров

Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурига" ва Олий таълимнинг давлат стандартларига асосан "Солиқлар ва солиққа тортиш" мутахассислиги бўйича "Солиқларнинг макроиктисодий муаммолари" фани мутахассислик фанларининг бир қисми сифатида ўқитилади.

Ушбу фанни ўқитиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси молия тизимида солиқларнинг макроиктисодий муаммолари, жумладан иккиёқлама солиққа тортишни олдини олиш, халқаро стандартларга мувофиқ солиқ ва йиғимларни унификация қилиш, бюджет даромадлари таркибида ресурс ва мулк солиқларини улушини оптималлаштириш, бюджет даромадларини шакллантиришда бевосита ва билвосита солиқлар улушини мувофиқлаштириш, иқтисодиётда солиқ юкини камайтириш ва умуман солиқ тизимини мукамаллаштириш муаммолари ўрганиб чиқилади.

На основе "Национальной программы по подготовке кадров" Республики Узбекистан и государственного стандарта Высшего образования по направлению "Налоги и налогообложение" дисциплина "Макроэкономические проблемы налогов" является предметом по специальности. В процессе обучения данной дисциплины раскрываются темы связанные с макроэкономическими проблемами налогов в целом. В настоящей программе изучаются темы по устранению двойного налогообложения, унификация налогов и сборов в соответствии с международными нормами и стандартами, оптимизация доли ресурсных и имущественных налогов в структуре доходов бюджета и в целом дальнейшее снижение налогового бремени на экономику.

Uzbekistan and state standard of Higher education on a direction " Taxes and the taxation " the discipline " Macroeconomic problems of taxes " is a subject on a speciality.

During training the given discipline themes connected with macroeconomic problems of taxes as a whole are opened. In the present program themes as, About avoidance double the taxation, unification of taxes and tax collections in conformity with the international norms and standards, optimization of a share of resource and property taxes in structure of incomes of the budget and as a whole the further decrease in tax burden on economy are studied.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2003 йил 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўқитишнинг мақсади ва вазифалари

"Солиқларнинг макроиктисодий муаммолари" фанини ўқитишдан асосий мақсад, таълим олаётган магистрантларга ҳозирги кунда солиқ тизимида мавжуд бўлган солиққа тортишнинг макроиктисодий муаммолари билан таништириш, бу муаммоларининг юзага келиш сабабларини ўргатиш, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиш,

магистрантларнинг иқтисодий билимларини чуқурлаштиришдан иборат. Мазкур фаннинг олдига қўйилган вазифалари, асосан магистрантларни молия-солиқ тизимида мавжуд макроиқтисодий солиқ муаммоларини атрофлича таҳлил қилиб уларни тугатиш масалалари билан яқиндан таништиришдан иборат.

Фан бўйича магистрларнинг билимига, ўқув ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

"Солиқларнинг макроиқтисодий муаммолари" фани бўйича ҳар бир талаба билимини мустаҳкамлаш учун солиқ сиёсатини асослари билан комплекс равишда танишиб ва ўрганиб боришлари зарур.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси

"Солиқларнинг макроиқтисодий муаммолари" фани бир қатор фанлар билан узвий боғланган. Дастлаб бошланғич билим олиш мақсадида "Солиқ назарияси", "Молия назарияси", "Иқтисодий назария" фанлари билан ўрганиш, шунингдек "Солиқ ва солиққа тортиш", "Солиқ муносабатларини оптималлаштириш", "Солиққа тортиш амалиёти" "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит", "Хорижий мамлакатлар солиқ тизими" фанлар билан ҳам пухта ўрганилиши лозим. Амалиётда ҳаракат қилиш доирасига қараб бу фан "Иқтисодий таҳлил", "Информацион технологиялар" ҳамда бошқа фанлар билан ҳам узвий боғланган.

Фанни ўқитишда янги технологиялар

Фанни чуқур ўрганиш мақсадида, "Солиқларнинг макроиқтисодий муаммолари" фанини ҳар бир мавзуси бўйича назарий ва амалий материаллар тўлиқ берилади. Шунингдек, мавзулар бўйича таҳлилий материаллар тўпланган ва компьютердан кенг фойдаланилади.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

"Солиқларнинг макроиқтисодий муаммолари" фани талабалар назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлагандан сўнг тегишли мутахассислик фани сифатида ташкил этилади. Дастурда куйидаги масалалар аниқ еритиб берилган: фаннинг моҳияти ва зарурлигини аниқ очиб бериш учун маъруза ва амалий машғулотларнинг тузилиши ва умумий ҳажмига алоҳида эътибор бериш:

- фан бўйича ажратилган маслаҳат соатлари орқали амалиётда юзага келаётган муаммолар, қўшимча ва ўзгаришларни тушунтириш ҳамда талабаларнинг билим даражасини янада мустаҳкамлашни кўзда тутилиши;
- ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб талабаларнинг амалдаги ҳолат билан алоқасини кенгайтириш ва мустақил ўрганиш учун мавзулар бўйича қўшимча топшириқлар берилиши.

2. ФАН ДАСТУРИ

Фаннинг мазмуни

"Солиқларнинг макроиқтисодий муаммолари" фанини ўрганиш учун 2 қисмга маъруза ва амалий машғулотларга бўламиз. Маъруза машғулотлари асосан ўрганилаётган мавзу бўйича ўқитувчи томонидан бериладиган маълумотларга асосланади. Шунингдек, амалий машғулотлар маърузалар юзасидан эркин фикрларга асосланади. Бундан ташқари мавзу бўйича қўшимча адабиётлар ва тегишли йўриқномалар таништирилади.

Маъруза мавзулари

Макроиктисодий сиёсат ва уни барқарорлаштиришда солиқ-бюджет сиёсатининг ўрни

Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорлаштириш дастури. Макроиктисодий сиёсатнинг асосий вазифалари барқарорлаштириш дастурини асосий йўналишлари. Асосий макроиктисодий воситалар ва макроиктисодий барқарорлаштиришнинг чоратadbирлари сифатида солиқ сиёсати. Макроиктисодий барқарорлаштириш ва мукамал солиқ сиёсатини юритишнинг боғлиқлиги.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг оптимал тузилмасини шакллантириш муаммолари

Солиқ тизимини ривожланиши ва шаклланиш босқичлари. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ташкил этилиши, ривожланиши ва шаклланиш босқичлари. Солиқлар, йиғимлар ва бюджетдан ташқари фонларга мажбурий ажратмалар таркиби ва структурасини мувофиқлаштириш масалалари. Бевосита ва билвосита солиқлар структурасини мувофиқлаштириш муаммолари. Солиқ ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотни тақсимлашдаги улушини жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш масалалари.

Иқтисодиёт соҳаларида солиқ юкни оптимал тақсимлаш муаммолари

Макроиктисодий кўрсаткичлар даражасига солиқ юки даражаси таъсирини боғлиқлигини таҳлил этиш. Солиқ юки даражасини тўғри аниқлаш ва унга иқтисодий баҳо бериш билан боғлиқ муаммолар. Иқтисодиёт тармоқларида солиқ юкни тақсимланишини тўғри ташкил этиш масалалари. Иқтисодиётда солиқ оғирлигини камайтириш йўналишларини ишлаб чиқиш муаммолари.

Солиқ тизимида солиқ ставкаларини табақалаштириш муаммолари

Солиқ тизимида тўғри солиқларни ставкаларини тўғри белгилаш муаммолари. Юридик шахслар даромад солиғи ставкаларини табақалаштириш муаммолари. Солиқ тизимида қўшилган қиймат солиғи ставкаларини табақалаштириш муаммолари. Акциз солиғи ставкаларни тўғри белгилаш муаммолари. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тўғри ва эгри солиқ ставкаларини таъсири ва уларни оптималлаштириш масалалари.

Ўзбекистон солиқ тизимида солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш муаммолари

Солиқ тизимида солиқ имтиёзларининг турлари ва уларни тақдим этиш мезонлари. Умумдават ва маҳаллий солиқлар ундирилиш жараёнини мувофиқлаштиришда тақдим этиладиган имтиёзларнинг зарурлиги ҳамда бюджет даромадларини шакллантиришда уларни таъсири. Солиқ имтиёзлари самарасини ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар. Солиқ имтиёзларининг ишлашига акс таъсир этувчи омиллар таҳлили ва уларни бартараф этиш имкониятлари.

Давлат бошқарувининг турли даражалари ўртасидаги солиқ-бюджет муносабатлари

Турли даражалардаги бюджетларнинг ўзаро алоқа механизмини қарор топиш жараёни. Ҳар бир ҳудуднинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг миқдорий ифодаси. Бюджетлараро муносабатлар механизмини такомиллаштириш ва маҳаллий бюджетлар даромадлар салмоғини ошириш. Маҳаллий солиқларнинг илмий асосланган ставкаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг улушини кўпайтириш. Маҳаллий бюджет ва республика бюджетларининг шаклланиши жараёнини бозор муносабатлари шароитига мувофиқлаштириш масалалари.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими структурасида мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Солиқ сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқ солиқ тизимини такомиллаштириш. Маҳаллий бюджет даромадларини маҳаллий солиқларнинг родини ошириш ҳисобига шакллантиришни тўғри ташкил этиш. Умумдавлат ва маҳаллий солиқларни бюджет даромадларини шакллантиришдаги родини мувофиқлаштириш. Содалаштирилган солиқ тизимини ташкиллаштириш хусусиятлари. Қишлоқ хўжалигини корхоналарини солиққа тортишдаги муаммолар. Савдо ва умумий оқатланиш ташкилотларини солиққа тортишдаги мавжуд муаммолар.

Солиқ механизми ва иқтисодий давлат томонидан бошқариш тизимида уларнинг ўрни

Иқтисодий тартибга солишнинг давлат ва бозор механизми. Солиқлар ёрдамида иқтисодий тартибга солиш тизими. Солиқлар воситасида иқтисодий тартиблаш усулларида фойдаланиш самарасини ошириш йўллари. Солиқлар воситасида иқтисодий цикл тебранишларини юмшатиш; иқтисодий ўсиш суръатларини барқарорлаштириш; бандликнинг юксак даражасига эришиш; инфляция суръатларини пасайтириш. Дискреционал фискал сиёсати ва нодискреционал фискал сиёсат. Давлат томонидан юритиладиган солиқ сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири турли иқтисодий тузумдаги давлатлар мисолида баҳолаш.

Ташқи иқтисодий алоқаларни солиқлар воситасида тартибга солиш

Халқаро иқтисодий алоқаларни ривожланиши ва уларни турлари. Иқтисодий алоқаларни ривожланишини солиқлар воситасида тартибга солишни кучайтириш. Халқаро стандарт ва нормаларга мувофиқ солиқ ва йиғимларни бирхиллаштириш масалалари ва бунда ҳар бир давлат иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиш масалалари. Солиққа тортиш бўйича халқаро шартномаларни мукаммаллаштириш масалалари.

Солиқ тизимини ривожлантиришда солиқ органларининг родини ошириш масалалари

Солиқ хизмати идораларининг шаклланиш босқичлари ҳамда солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш. Солиқ хизмати идораларининг ривожланиши ва солиқ назоратини шаклланиши мукаммаллаштириш масалалари.

Солиқ хизмати органларининг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги мажбурият ва вазифалари. Солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган текширувлар тартиби ва уларнинг турлари. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун солиқ идоралари томонидан қўлланиладиган жазоларни мукаммаллаштириш бўйича боғлиқ

муаммолар. Солиқ тўлаш маданиятини оширишда солиқ органларининг ролини ошириш масалалари.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИ

Макроиқтисодий сиёсат ва уни барқарорлаштиришда солиқ-бюджет сиёсатининг ўрни

Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлаштириш дастури. Макроиқтисодий сиёсатнинг асосий вазифалари барқарорлаштириш дастурини асосий йўналишлари. Асосий макроиқтисодий воситалар ва макроиқтисодий барқарорлаштиришнинг чоратадбирлари сифатида солиқ сиёсати. Макроиқтисодий барқарорлаштириш ва муаммалар солиқ сиёсатини юритишнинг боғлиқлиги.*

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг оптимал тузилмасини шакллантириш муаммолари*

Солиқ тизимини ривожланиши ва шаклланиш босқичлари. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ташкил этилиши, ривожланиши ва шаклланиш босқичлари. Солиқлар, йиғимлар ва бюджетдан ташқари фонларга мажбурий ажратмалар таркиби ва структурасини мувофиқлаштириш масалалари. Бевосита ва билвосита солиқлар структурасини мувофиқлаштириш муаммолари. Солиқ ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотни тақсимлашдаги улушини жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш масалалари.

Иқтисодиёт соҳаларида солиқ юкини оптимал тақсимлаш муаммолари

Макроиқтисодий кўрсаткичлар даражасига солиқ юки даражаси таъсирини боғлиқлигини таҳлил этиш.* Солиқ юки даражасини тўғри аниқлаш ва унга иқтисодий баҳо бериш билан боғлиқ муаммолар. Иқтисодиёт тармоқларида солиқ юкини тақсимланишини тўғри ташкил этиш масалалари. Иқтисодиётда солиқ оғирлигини камайтириш йўналишларини ишлаб чиқиш муаммолари.*

Солиқ тизимида солиқ ставкаларини табақалаштириш муаммолари

Солиқ тизимида тўғри солиқларни ставкаларини тўғри белгилаш муаммолари. Юридик шахслар даромад солиғи ставкаларини табақалаштириш муаммолари. Солиқ тизимида қўшилган қиймат солиғи ставкаларини табақалаштириш муаммолари. Акциз солиғи ставкаларни тўғри белгилаш муаммолари. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда тўғри ва эгри солиқ ставкаларини таъсири ва уларни оптималлаштириш масалалари.*

Ўзбекистон солиқ тизимида солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш муаммолари*

Солиқ тизимида солиқ имтиёзларининг турлари ва уларни тақдим этиш мезонлари. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ундирилиш жараёнини мувофиқлаштиришда тақдим этиладиган имтиёзларнинг зарурлиги ҳамда бюджет даромадларини шакллантиришда уларни таъсири. Солиқ имтиёзлари самарасини ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар. Солиқ имтиёзларининг ишлашига акс таъсир этувчи омиллар таҳлили ва уларни бартараф этиш имкониятлари.

Давлат бошқарувининг турли даражалари ўртасидаги солиқ-бюджет муносабатлари

Турли даражалардаги бюджетларнинг ўзаро алоқа механизмини қарор топиш жараёни. Ҳар бир ҳудуднинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг миқдорий ифодаси. Бюджетлараро муносабатлар механизмини такомиллаштириш ва маҳаллий бюджетлар даромадлар салмоғини ошириш. Маҳаллий солиқларнинг илмий асосланган ставкаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг улушини кўпайтириш. Маҳаллий бюджет ва республика бюджетларининг шаклланиши жараёнини бозор муносабатлари шароитига мувофиқлаштириш масалалари.*

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими структурасида мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.* Солиқ сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқ солиқ тизимини такомиллаштириш. Маҳаллий бюджет даромадларини маҳаллий солиқларнинг родини ошириш ҳисобига шакллантиришни тўғри ташкил этиш. Умумдавлат ва маҳаллий солиқларни бюджет даромадларини шакллантиришдаги родини мувофиқлаштириш. Соддалаштирилган солиқ тизимини ташкиллаштириш хусусиятлари. Қишлоқ хўжалигини корхоналарини солиққа тортишдаги муаммолар.* Савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларини солиққа тортишдаги мавжуд муаммолар.*

Солиқ механизми ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш тизимида уларнинг ўрни

Иқтисодиётни тартибга солишнинг давлат ва бозор механизми. Солиқлар ёрдамида иқтисодиётни тартибга солиш тизими. Солиқлар воситасида иқтисодиётни тартибга солиш усулларида фойдаланиш самарасини ошириш йўллари.* Солиқлар воситасида иқтисодий цикл тебранишларини юмшатиш; иқтисодий ўсиш суръатларини барқарорлаштириш; бандликнинг юксак даражасига эришиш; инфляция суръатларини пасайтириш. Дискреционал фискал сиёсати ва нодискреционал фискал сиёсат. Давлат томонидан юритиладиган солиқ сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири турли иқтисодий тузумдаги давлатлар мисолида баҳолаш.

Ташқи иқтисодий алоқаларни солиқлар воситасида тартибга солиш

Халқаро иқтисодий алоқаларни ривожланиши ва уларни турлари. Иқтисодий алоқаларни ривожланишини солиқлар воситасида тартибга солишни кучайтириш.* Халқаро стандарт ва нормаларга мувофиқ солиқ ва йиғимларни бирхиллаштириш масалалари ва бунда ҳар бир давлат иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиш масалалари. Солиққа тортиш бўйича халқаро шартномаларни мукаммаллаштириш масалалари.*

Солиқ тизимини ривожлантиришда солиқ органларининг родини ошириш масалалари*

Солиқ хизмати идораларининг шаклланиш босқичлари ҳамда солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш. Солиқ хизмати идораларининг ривожланиши ва солиқ назоратини шаклланиши мукаммаллаштириш масалалари.

Солиқ хизмати органларининг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги мажбурият ва вазифалари. Солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган текширувлар тартиби ва уларнинг турлари. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун солиқ идоралари томонидан қўлланиладиган жазоларни мукаммаллаштириш бўйича боғлиқ

муаммолар. Солиқ тўлаш маданиятини оширишда солиқ органларининг ролини ошириш масалалари.

4. ИНФОРМАЦИОН ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Бу фанни ўқитишда замонавий техник воситалардан, компьютер ва алоқа воситалардан ва бошқа информацион техник воситалардан фойдаланиш белгиланган.

1. Компьютер;
2. Аудио ва видео жихозлар;
3. Диапроектор;
4. Кодоскоп;
5. Графопроектор;
6. Статистик маълумотлар;
7. Калькулятор ва бошқа апаратуралар.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралиқ баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ турлари ва белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70%, якуний баҳолаш эса 30% миқдорда белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБ тингловчи "ёзма иш" усулида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Бу фан ўқитиш соатлари 1-курс магистрантлари учун 20 соат маъруза, 20 соат амалий машғулот, 20 соат мустақил таълим қилиб белгиланган.

Таянч тушунчаларига асосланган (ёзма иш) усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тузишнинг якуний баҳолаш босқичида" "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий низом билан белгиланади. Семестр ўқув йили давомида ўқитилган фан бўйича максимал, 55 ва ундан юқори фоизни тўплаган талаба қоникарли ўқитаётган деб ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55% идан кам балл тўплаган талаба қоникарсиз ўқиётган (қарздор) деб ҳисобланади.

Демак, оралиқ баҳолашда 1-курслар учун энг юқори балл 14,0 ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55%идан - 100%игача оралиғида яъни, 7,7 баллдан - 14,0 баллгача тўплаши мумкин. Жорий баҳолашда ҳам энг юқори балл 14,0 ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55%идан - 100%игача оралиғида яъни, 7,7 баллдан - 14,0 баллгача тўплаши мумкин. Якуний баҳолашда эса юқори балл 12,0 ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55%идан - 100%игача оралиғида яъни, 6,6 баллдан - 12,0 баллгача тўплаши мумкин.

Семестр давомиди фан бўйича тўплаган баллар куйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 - "аъло";
- 71 - 85 - "яхши";
- 55 - 70 - "қоникарли".

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Қаримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т. 6. -Т.: Ўзбекистон, 1998 йил.
2. Қаримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997 йил.
3. Қаримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. Ўзбекистон Республикаси "Солиқ кодекси". -Т.: Ўзбекистон 1997 йил 21 апрел.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонуни. -Т.: Ўзбекистон 1997 йил 29 август.
6. Ўзбекистон Республикаси "Молиявий қонунлар". -Т.: Ўзбекистон 1997 йил. 9-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил учун ижтимоий - иқтисодий кўрсаткичлари. Статистик туплам. -Т., 2001 йил.
8. Брызгалин, А. В. Налоговые споры, 1997-1998 г.
9. Толстопятенко Г.П., Федотова И.Г. Налоговое права США терминология. Учебное пособие. "АНКИЛ". -М.: 1996.
10. Тошмуродова . Б.Э. "Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми", "Янги аср авлоди", Т., 2002 йил.
11. Гадоев Э.Ф. и др. "Налоги в Республике Узбекистан" в 1997 г.: Методическое пособие. 2-е изд., доп. и перераб. -Т.: Издательский дом "Мир экономики и права", 1997.
12. Черник Д.Г., Починок А.П., Морозов В.П. Основы налоговой системы: Учебное пособие для вузов. /Под. ред. Д.Г. Черника. -М.:Финансы, ЮНИТИ, 1998.
13. Абдуллаев Ё., Яхёев Қ. "Солиқ" юз саволга 100 жавоб. Т.; "Мехнат" - 1997 й.
14. Яхёев Қ. "Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти", Дарслик, Тошкент, 2000 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Налоги и налоговое планирование в мировой экономике: Учеб.пособие /Сутырин С.Ф., Погорлецкий А.И.; С.-Петербург. Гос. Ун-т. Каф. Мировой экономики. -СПб.: Изд-во Михайлова В.А.: Полиус, 1998. - 577с.
2. Government Finance Statistics Yearbook 2000. Pg-5.
3. Government Finance Statistics Yearbook 1993, 1999 y.
4. J.S. Mon Nobes. The Economics of Taxation. Third Edition. - Oxford ect. 1993.